

**"INFORMATION ABOUT MINGTEPA ARCHAEOLOGICAL MONUMENTS AND
CURRENT SCIENTIFIC RESEARCH WORKS IN MARHAMAT DISTRICT,
ANDIJAN REGION"**

Ravshanov Sobir Abdugarim O'g'li

Tashkent Institute of Architecture and Construction,
Faculty of Architecture Department "History and Theory of Architecture"
"Theory of Architecture and Master's student of history,
restoration of architectural monuments, Phone: (99) 488-94-47

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МАРҲАМАТ ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН МИНГТЕПА
АРХЕОЛОГИЯ ЁДГОРЛИГИ ВА ҲОЗИРДА ЎРГАНИЛАЁТГАН ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР**

Равшанов Собир Абдукарим Ўғли

Тошкент архитектура-қурилиш институти, Архитектура факультети
“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси “Архитектура назарияси ва
тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш” мутахассислиги магистранти.
Тел.:(99) 488-94-47

Аннотация

Ушбу мақолада Андижон вилояти Марҳамат туманида жойлашган Мингтепа археология ёдгорлиги яъни қадимий шаҳар маълумотлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Мингтепа, Довон, Эрши шаҳри, самовий тулпорлар, шаҳар харобаси, буржлар, водий, сопол, мудофаа девори, пахсали минора, хандак, дарвозахона, кўча, тош, узум саройи, хумлар, махсус лой.

Аннотация

В данной статье речь идет об археологическом памятнике Мингтепа, расположенном в Мархаматском районе Андижанской области.

Ключевые слова: Мингтепа, Дован, город Ерши, небесные стервятники, городские руины, башни, долина, глиняная посуда, оборонительная стена, хлопковая башня, траншея, сторожка, улица, камень, виноградный дворец, пески, особая грязь.

Abstract

This article deals with the Mingtepa archeological monument located in Marhamat district of Andijan region.

Keywords: Mingtepa, Dovan, Ershi city, celestial vultures, city ruins, towers, valley, pottery, defensive wall, cotton tower, trench, gatehouse, street, stone, grape palace, sands, special mud.

ИЛМИЙ МАҚОЛАНИНГ МАТНИ

I. Кириш

Ўзбекистон давлати ўзининг миллий қадриятлари, бой тарихи, моддий-маданий ёдгорликлари ҳамда қадимийлиги билан ўзининг мавқеига ега. Шу боис маданий меросимизни янада чуқурроқ ўрганиш, уларни ички ва ташқи туризм салоҳиятини оширишда ва самарали фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Маданий меросимизни ўрганиш, таъмирлаш ва уларни келажак авлодларга етказиш борасида кўплаб илмий-амалий ишлар қилинмоқда. Кўхна тарихимиз хорижлик мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Хорижий давлатларнинг тарихчи, этнограф, археолог, антрополог олимлари ўтмиш тарихимизни тадқиқ этишда қатнашмоқдалар. Қадимшунос олимларимизни хорижлик археологлар билан ҳамкорликдаги қўшма археологик экспедициялари яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Жумладан, Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий ФА Археология институти ва Ўзбекистон Республикаси ФА Археологик тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган Ўзбек-Хитой қўшма халқаро археологик экспедицияси Фарғона водийси антик даврининг йирик археологик ёдгорлиги бўлмиш Мингтепа шаҳар харобасида кенг қамровли илмий текшириш ишларини олиб бормоқда.

Президент Ш.М.Мирзиёев такидлаганидек «Яна бир муҳим масала – юртимиздаги тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини обод этиш бўйича олдимизда қанча вазифалар турибди»¹. Бу борада юртимиздаги тарихий шаҳарлардаги кўплаб архитектура ва археология ёдгорликларини қайта тиклаш ва сақланиб қолинган қисмларини асраш ишлари олиб борилмоқда. Шундай ёдгорликлар каторида қадим ўтмишдан сўзловчи Мингтепа археология ёдгорлигидир. Мингтепа археология ёдгорлиги ҳақида тарихий манбаларда ёритилишича, қадимий Довон давлатининг маркази бўлган. Қадимги Довон давлати тарихи ҳақида илк маълумотлар хитой тилидаги ёзма манбалаларда тилга олинган бўлиб, шаҳар “Буюк ипак йўли” да жойлашган бу маҳобатли шаҳар ўзининг ҳунармандчилиги, деҳқончилиги ва “Самовий тулпорлари” билан дунёга машҳур бўлган.

II. Асосий қисм

Мингтепа кўхна шаҳри Андижон вилояти Марҳамат шаҳрининг шарқий чегарасига жойлашган, бу шаҳар харобаси Фарғона антик ёдгорликлари ичида энг йириги ҳисобланади. Мингтепа археология ёдгорлигининг ички шаҳар майдони 41 гектар,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан бўлган йиғилишдаги маърузаси «Халқ сўзи» – 2017 йил – 13 июль №137 (6831).

ёдгорлик ташқи шаҳар билан қўшиб ҳисоблаганда 270 гектардан зиёдлиги маълум бўлди (1-расм). Мингтепа археология ёдгорлиги бош тарх режаси самодан қараганда тўғри бурчакли кўринишга эга, шаҳарнинг икки қатор маҳобатли муҳофаа иншоотлари ўзига ҳослиги билан ажралиб туради.



1-расм. Мингтепа археологик ёдгорлиги бош тархи ҳудуди


Ўтган асрнинг 50-йилларда олинган бош тарх режасида арк, ички ва ташқи шаҳар аниқ кўринади. Бизгача ички шаҳар деярли тўлиқ сақланган муҳофаа деворлари билан етиб келган. Шаҳарнинг ғарбий ва шарқий деворларида – 20 тадан, шимолий деворида 12 та, жанубий деворда – 6 та буржлар ўрни яққол кўзга ташланади (2-расм). Ички шаҳарга кириш уч ёки тўрт томонлама кириш қисмидан иборат бўлиб, асосий дарвоза эса ғарбий муҳофаа девори томонида 10 - ва 11 буржлар орасида жойлашган. Ички шаҳар ҳудудида 1946-1947 йиллари 16 та тепалик бўлиб, жануби-шарқий бўлакда қурилиш қолдиқлари кўпроқ сақланган. Шимоли-ғарбий бўлакда, яъни ёдгорлик марказида алоҳида катта тепалик сақланган бўлиб, у шаҳар бошқаруви арк ҳисобланади.



2-расм. Мингтепа археологик ёдгорлиги деворининг асосий кириш буржлари

1986-1987 йиллари Мингтепа археология ёдгорлигининг икки жойида археологик қазишма ишлари амалга оширилди. Биринчиси ғарбий мудофаа деворидаги 12 ва 13 буржлар орасидаги девор очилди ва иккинчисида 13-бурж тўла ковлаб ўрганилди. Археологик қазишма ишларида мудофаа девори икки томондан ковлаб очилганида: эни 3,5 метр баландлиги еса 3,5 метрлиги аниқланди ва девор қурилиш ашёлари аралаш пахса ҳамда ғишт усулида тикланган, асосида тагкурси борлиги аниқланган.

Шаҳарнинг деворидаги буржлари уч томондан тўла тозалаб очилди ва у тўғри бурчакли режага эга бўлиб, ўлчамлари асосида 18x9 метр ва юқори қисмида 18x6 метр қияланиб боргани аниқланди. Шаҳар деворидаги буржлари мудофаа деворидан 6,5 метр ташқарига чиқиб турган ва бурж казиб очилганида ўлчамлари 6,3x2,8 метрли узун хона борлиги аниқланди (3-расм). Хона деворлари сувалиб, полида еса ёрғучоқ ва катта тошлар уюми тўшалган. Шаҳарнинг жанубий деворида шинаклари тозаланганда ўлчамлари 62x25 см бўлгани ва тўртбурчак шаклда эканлиги аниқланди. Шаҳар деворидаги буржнинг ички хонасига кириш мудофаа девори ички томонидан бўлган. Буржларнинг шимолий томони пахсадан, ундан юқориси ғиштан қурилган. Бурж ва деворни тозалаш давомида қизил ангоб ва шўрабашот даврининг қўлда ясалган ва бўялган сополлари, сопол урчуқлар топилган.



3-расм. Мингтепа археологик ёдгорлиги девор буржларининг хонаси


2001 йилда Мингтепа археология ёдгорлигида қайта қазишма ишлари олиб борилиб, 12 ва 13 буржлар орасидаги девор тўла қирқиб кўрилди. Девор ўлчамлари 2x11 метрлиги аниқланди, деворни таъмирлаш ишлари пахса ва қисман ғиштан амалга оширилган. Қурилиш қолдиқлари стратиграфик жиҳатдан бир неча босқичлардан иборат:

I босқич. Шаҳарнинг илк мудофаа деворининг эни асосида 2,5 метр, юқорида 1,8 метр, сақланган баландлиги 2,5 метрни ташкил этган.

II босқич. Шаҳарнинг иккинчи деворини қуриш учун илк девор ички томонидан тарошланади. Натижада девор қалинлиги асосида 4 метрга юқорида еса 2,2 метрга этади.

III босқич. Шаҳарнинг асосий деворига ҳар икки томондан “қўш” девор (рубашка) пахса ва ғиштан тикланади. Бу босқичда мудофаа деворининг қалинлиги асосида 7,3 метр юқори қисмида еса 3,4 метр сақланган баландлиги 4,2 метрни ташкил этган. Мингтепа археология ёдгорлиги узоқ тарихий даврни қамраб олади. Шаҳарнинг тарихий

ривожланиш даври милоддан аввалги IV-III асрлар – милоднинг IV-V асрларига тўғри келади.



4-расм. Мингтепа археологик ёдгорлигининг арк қисми бош тархи

Мингтепа археология ёдгорлигида ўтказилган археологик қазишма ишлари Фарғонанинг Давань подшоҳлиги давридаги тарихи ва маданиятини ўрганишда янги маълумотлар берди. Шаҳар тўғрибурчак шаклда режали буржлар билан таъминланган икки қатор кучли деворлар ҳимоясида мудофааланган. Шаҳар аркида 5 метрли тагкурси бўлиб, уни устида еса маҳобатли бино қурилган (4-расм). Бу маълумотлар жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки кўп тадқиқотчилар Мингтепани қадимги Фарғона давлатининг пойтахти Эрши шаҳри билан солиштирадilar.

Маълумки, Хитой йилномалари қадимги Фарғона подшоҳлиги Даванда 70 дан ортиқ катта ва кичик шаҳарлар бўлган деб хабар берадилар. Манбаларда улардан учтасининг номланиши айтиб ўтилади: Эрши, Ючэн ва Гуйшань. Мингтепа шаҳари уч қисмдан яъни: арк, ички шаҳар ва ташқи шаҳарлардан иборат бўлган. Мингтепа шаҳар харобасини дастлаб

А.Н. Бернштам подшолик пойтахти Эрши деб фикр билдирган. Хитой манбасига асосан:

биринчидан, Эрши водий шарқий томонида жойлашган;

иккинчидан, Мингтепада хитойлар бостириб кирган пайтдаги (мил. авв. II аср) қалин маданий қатламлар ва улар қамал қилган деворга жуда ўхшайдиган мудофаа иншоотлари (ички ва ташқи деворлар) мавжуд;

учинчидан, Мингтепа шаҳаричалик улуғвор ва катта ёдгорлик водийда ҳозирча топилгани йўқ.

Мингтепа археология ёдгорлиги “катта шаҳар” (Хитойчада “**дао чэн**”) типдаги шаҳарлар қаторига киради. Хитой манбалари маълумотларида Даванда икки қатор ҳимояланган шаҳарлар бўлган. Ҳозирда олиб борилган археологик натижаларида Мингтепани ана шундай шаҳарлар қаторига киритишга асос бўлади. Таъкидлаш

жоизки, бирорта Хитой манбасида бошқа бирорта давлатни пойтахти деган термин учрамайди. Хитойликлар Гинши термини билан ўз давлатлари пойтахтларинигина тушинганлар. Бошқа давлатлар пойтахтларини ду яъни резиденция деб атайдилар. Агар юқоридагиларни ҳисобга олсак Мингтепа кўплаб белгиларига кўра пойтахт мақомига эга бўлган шаҳарлар типига кириши ойдинлашади.

III. Хулоса

Антик даврининг йирик шаҳар харобаси Мингтепа археологик ёдгорлигидаги (мил авв IV-III – милоднинг IV-V асрлар) қазишма ишлари натижасида қадимги Фарғона Давань подшолигининг шаҳарсозлик маданияти ҳақида маълумотлар тўпланди. Хусусан, кўҳна шаҳардаги аҳоли яшаш шароити, муҳофаа тизими, хунармандчилиги, санъати ва урф одати тўғрисида янги маълумотлар олинди. Мингтепа археологик ёдгорлигини ўз даврида йирик шаҳар ва пойтахт эканига шаҳар қабристонини топилиши ва ундаги моддий топилмалар ҳам қўшимча далил бўлади.

Хозиргача текширув натижаларига кўра, Мингтепа қадимги шаҳарининг қурилиши милоддан аввалги IV-III асрларга тўғри келса-да, айрим белгилар уни олдинроқ қурилган бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун Мингтепа тузилиши, даврий босқичлари, хунармандчилик соҳалари топилмалари ва бошқа белгиларига кўра, Хитой манбаларидаги Эрши шаҳри билан киёсланиши мумкин, бу еса олдимизга қилиниши керак бўлган кўплаб илмий тадқиқот ишларини белгилаб беради.

Қадимги Довон давлатининг пойтахти бўлмиш Мингтепа шаҳри тарихини ўрганиш, илмий ва археологик қазишма ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш бугунга келиб тобора яхшиланиб, кенг имкониятлар очилмоқда. Мингтепа археология ёдгорлигини тарихий, моддий ва маданий мерос сифатидаги кенг аҳамиятини оммага тарғиб қилиш, ҳамда келажак авлод қадим ўтмишни меросини билиш учун салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Горбунова Н.Г, 1995. Оборонительные сооружения на поселениях древней Ферганы Марказий Осиёда урбанизация жараёнларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. ТД МК. Самарканд. 1995.
2. Заднепровский Ю.А, Матбабаев Б.Х, 1991. Городище Мархамат (некоторые итоги изучения) // ИМКУ. Вып. 25. Ташкент.
3. Боровкова Л.А Запад Центральной Азии во II в.до н.э.–VII в.н.э. (историко-географический обзор по древнекитайским источникам). Москва,
4. Матбабаев Б.Х. и др. Отчет Узбекско-Китайской совместной археологической экспедиции о проделанных работах на городище Мингтепа в 2012 году. Самарканд. 2013. Архив ИА АН РУз.

5. Козенкова В.И., 1966. Погребальные памятники Ферганы первых веков нашей эры Советская археология. 1966. №1.
6. Матбобоев Б.Х., Умматов А. Мингтепадан топилган қадимий ноёб тасвирий санъат асари Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2019
7. Матбобоев Б, ва бошқалар. 2018 йил Андижон вилояти Мархамат тумани Мингтепа ёдгорлигида ўтказилган археологик тадқиқотлар юзасидан ҳисобот. Ўзбекистон Республикаси ФА Миллий археология маркази Самарқанд филиали архиви.
8. Ш Хусанова «МИНГТЕПА» (илмий оммабоп тўплам) Наманган нашриёти 2019.
9. «Маданий мерос илмий-тадқиқот институти» Архив маълумотлари.
10. www.mingtepa.uz